


- 2 САОДАТЛИ КУНЛАР
ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК
- 3 ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ
АМАЛДА
- 4 СИРДАРЁНИНГ ЎЗ
ЎЛАНУ АЛЁРЛАРИ БОР



Марказий Осиё мўъжизаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий, илгор минитехнологиялар ва ускуналар билан таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишга ва шу асосда қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашни таъминлаш, сифатли, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмасининг:

2006 йил 21 октябрдан 10 ноябргача Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисида:

2006 йилнинг 10 ноябрдан бошлаб «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖ ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ускуналарнинг доимий ишлайдиган кўргазма-савдосини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиғига розилик берилсин.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни кенг қўламада жалб қилиш ва уларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонларида кўргазма иштирокчиларига текин берилиши белгилаб қўйилсин.

2. Қуйидагилар: қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби 1-иловага мувофиқ; қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини «Uzbekistan Agrominotech Expo -2006» ни ўтказишнинг мавзу-экспозиция режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (Ш.М.Мирзиев) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи

кайта ишлаш бўйича кичик корхоналар томонидан эҳтиёж мавжуд бўлган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг турлари бўйича тақлиғларни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасига 2 йилгача бўлган муддатга минитехнологиялар ва ихчам ускуналар намуналарини вақтинча олиб кириш режимида кейинчалик уларни тузилган импорт ёки лизинг шартномалари асосида агрофирмалар ва фермер хўжаликларига сотилишига шартли равишда қайта ишлаш, истисно тариқасида, божхона тўловларисиз расмийлаштирсин.

Кўргазма-савдоларда иштирок этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар олиб келувчи компаниялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек мазкур минитехнологиялар ва ускуналарни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг талабномаларига қўра кўргазманинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан тезкор расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлаш вазирлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказиладиган жойлар ва кўргазма иштирокчиларининг яшаш жойларида тўлов ундирилмаган ҳолда жомоат тартиби сақлинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиоканализацияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иши оммавий ахборот воситаларини кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М. Мирзиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 август

И.КАРИМОВ

Давлатимиз рамзлари

Дунёда муқаддас бир туйғу борки, у ҳамisha тилга кўчармайди, балки денгиз тубидаги жавоҳир янглиғ қалбда яшайди.

Бу она Ватанга муҳаббат туйғусидир. Ватанин нечоғлик севиб-ардоқлаб, у ҳақда бисотимиздаги энг гўзал сўзларни битмайлик, барибир қалбимиздаги бу улғу туйғунини тўлалигича акс эттиролмаймиз. Негаки, Ватан меҳри бизнинг жонимизда, жонимиз паноҳ тоғлан юрагимизда жойлашган. Юрагимизнинг ҳар зарбидан бу меҳр бутун вужудимизга таралади, таралаверади.

Токи тирик эканмиз бу ҳолат такрорланади. Фақат биз уни ҳамма вақт ҳам сезармаймиз. Қачонки, Мадҳиямиз янграб, галабамиз шарафига бошимиз узра байрогимиз ҳилпираса, юракдаги Ватан туйғуси уйғонади, жунбушга келади.

Ҳар куни биринчи соат дарсига қирар эканман, ўқувчиларим қўлини юрагим устига қўйиб Давлат Мадҳиясини қўйлашади. Шунда менинг ҳам кўнглим Ватан меҳрига тўлади. Ўқувчиларимнинг ҳар бирини кузатаман. Улар Мадҳиямизни айтаётганида кўзларидан ўт чакнайди. Ана шу ўт кун давомида уларга ҳамроҳ бўлади. Негаки, Мадҳия — бу миллатимиз қўшиғи, Ватанимиз рамзи. Унда миллат қалби акс этган. Шу боис мадҳия тилга



Ўзбекистон автомобилсозлари жаҳон андозалари даражасидаги замонавий автомобилларни ишлаб чиқармоқдалар.

Асақдаги «ЎЗДЭУ авто» компанияси жамоаси автомобиллар ишлаб чиқарилганининг 10 йиллигини муносиб меҳнат муваффақиятлари билан қаршиладилар. Тантанали кунгача ички бозорга 378012 та автомобил етказиб беришга эришилди. Шунингдек, 203896 та енгил, замонавий машиналар экспорт қилинди. Бу эса асақалик автомобилсозларнинг шижоатли меҳнатлари самарасидандир. Бугун Ўзбекистон автомобиллари Россия, Украина, Молдова, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларида ҳам ўз ҳаридорларини топаётганлигини алоҳида фахр ила таъкидлаш лозим. Жаҳон андозалари даражасидаги «Матиз», «Нексия», «Дамас», «Ласетти» автомобиллари юртдош навиқорон йилит-қизларнинг қўллари билан яратилаётганлиги қувончлидир.

Суратда: (чапда) корхона муҳандислари Дилдора Абдурахмонова, Алишер Эргашев ва корхона ишчилари Ахмадхон Абдулазизов, Нилуфар Саломовалар ўзаро суҳбат пайтида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Амир Темур марказлашган давлатга асос солиб, унинг куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, шон-шухратини бутун жаҳонга ёйди, буюк салтанатнинг ҳукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бирлаштирди. Унинг даврида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, музыка, шеъринг юқори чўққиларга кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, Темурийлар даври ренессансга асос солинди.

Президентимизнинг Фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу йили нишонланган Соҳибқирин таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққийини ҳаққонлик акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва аъёнларимиз асосида ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги қарорига асосан ЎЗР Фанлар академияси таркибида Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди.

Тошкент шаҳрининг марказида, Амир Темур хибобига ёндош бўлган бу хошона ўзининг қисқа муддат ичидаги фаолияти давомида нафақат республикамиз аҳли, балки, хорижий меҳмонлар эҳтиром ила таъриф буюрадиган масканлардан бирига айланди.

Музей экспонатлари сонини дастлабки кўрсаткичларда 700 тага яқин бўлса, ташкил этилаётган илмий сафарлар, халқ орасидаги тарғибот-таъшиқот ишлари натижасида уларнинг сонини 2500 тага яқинлашди. Айниқса, музей фонди ва экспозицияларини бойитишда Салтанат ая Сиддиқова, Ҳамид ая Жўраева каби тарихимиз фидойиларининг хизматлари бебаҳо.

Музейга келувчи томошабинларнинг сонини ҳам кўндан-

кунга қўлайиб бормоқда. Шу кунга қадар 1,5 миллиондан ортиқ томошабин, шунингдек, турли хорижий давлатлардан таъриф буюрган 500 га яқин фахрий меҳмонлар музей экспозиция ва кўргазмаларидан баҳраманд бўлишди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган музей илмий таъдиқот ва тарғибот муассасаси сифатида 15 га яқин рисола, 250 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ма-

қулаб яратилишида асосий манба бўлди. Турли тадбирлар муносабати билан радио ва телевидениеларда мунтазам равишда чиқарилаётган бўлмоқда.

Музейда Ўзбекистон тарихини ёритишда Амир Темур ва темурийлар даври йўналишидаги тадбирлар, кўргазмалар республикамизнинг илм аҳли таъриф буюрадиган томошадан юқори баҳоланди. Айниқса, нобъ экспонатларнинг Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби давлатларда намойиш этилиши музей номи ва тарихимизни жаҳонга танитди.

Музейнинг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилликда — 10 кўргазма» ташкил этилди. Унда Ўзбекистон тарихининг айрим қирралари, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар тарихи оид маълумотлар ўз аксини топти.

Музейнинг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилликда — 10 кўргазма» ташкил этилди. Унда Ўзбекистон тарихининг айрим қирралари, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар тарихи оид маълумотлар ўз аксини топти.

Музейнинг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилликда — 10 кўргазма» ташкил этилди. Унда Ўзбекистон тарихининг айрим қирралари, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар тарихи оид маълумотлар ўз аксини топти.

Музейнинг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилликда — 10 кўргазма» ташкил этилди. Унда Ўзбекистон тарихининг айрим қирралари, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар тарихи оид маълумотлар ўз аксини топти.

МАДҲИЯ ЯНГРАГАНДА...

Бугун улғу байрамларимиз, ҳатто мактаб дарсларига Давлатимиз мадҳияси ижроси билан бошланади. Дилларни ҳеч қис гурур ва ифтихор туйғуларига ошно этувчи Мадҳия саздаларини улкан анжуманларда нафақат тинглаймиз, балки улғувор ва умидбахш мисраларига жўр бўламыз. Юракларимизда эса Ватандан фахрлимиз, аждодлар руҳига садоқат, муҳими, ғайрат-шижоат жўш уради.

Мана салкам 14 йилдирки, озодлигимизнинг музасам садоси бўлиши Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақил давлатимиз тўзимини, халқимиз табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини аниқлаётган ҳуррият тинимоллари каторида эъзозланиб келинмоқда.

Давлатимиз рамзлари қатори мадҳия тарихи ҳам хали шуғролар сибсати амал қилиб турган даврга бориб тақалади. 1990 йил март ойида Юртбошимизнинг ташаббуси билан давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинган эди. Орадан ун ой ўтиб қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаш ва давлат рамзларини ўзи таъсис этиши қайд этилган.

Истиқлол шарофати билан 1992 йил 10 декабр Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композитори Мутал Бурҳонов мусикаси жўрлигида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистон Давлат мадҳияси тасдиқланди.

Шундан буён Президентимиз турли хорижий давлатларга таъриф буюрганда, халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганда озод Ўзбекистонимизга эҳтиром тинимолари сифатида Давлатимиз мадҳияси янграйди. Бундан ташқари, Мадҳиямиз саздалари остида юртимизга келган таниқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари кутиб олинган ва кузатилади. Шунингдек, нуфузли анжуманлар, спорт мусобақаларида ҳам Мадҳиямиз янграйди.

Маълумки, мусиқа ва куй инсон қалбига беғубор туйғуларни жо этиб, ҳаётни янада гўзал ва мунаваар этувчи илохий мўъжизадир.

Мана тўрт йилдирки, ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераман.

кўчганда дил уйғонади, қалб ўз қўшиғини баҳра олади. Ана шундай фахр туйғусини бизга Истиқлол берди.

Ҳар тонг радиода, телевизорда мадҳиямиз янграйди. Ҳар сахар она юртга таъзим айлаб, уни олқишлаб янги кунни қарши оламиз.

Серкўёш ҳур улкам, элга бахт, нажот, Сен ўзинг дўстларга йўлдаш, меҳробон. Яшнагай то абад илму фан, иқод, Шухратинг порласин токи бор жаҳон.

Озод, хур ўлқанинг қўшии янглиғ бу сатрлардан юрагимиз, руҳимиз қувватланади. «Олтин бу водийлар» тароватидан кўнглимиз қувончга тўлади. «Аждодларнинг мардона руҳи», «Улғу халқ қудрати»га қўшилиб «Оламини махлиё айлайди». Ана шундай юрт фарзанди эканлигидан юрагимиз фахрга тўлади. Беҳитиёр вужудинг қўшиқча айланаб, қўйлайсан:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр! Улғу халқ қудрати жўш урган замон Оламини махлиё айлаган дийр!

«Бағри кенг» халқнинг «Ҷумас иймони» руҳини поклайди, туйғуларинга «қанот» бағишлайди. «Истиқлол машъали» дан қалб оловланади.

Бағри кенг ўзбекининг ўчмас иймони, Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот! Истиқлол машъали, тинчлик поёни, Ҳақсевар она юрт, мангу тўн обод!

Мадҳиядаги юрт туйғулари, Ватан гурури, бирлик, биродарликка даъват халқ кўнглини бирлаштиради. Шу ўринда хинд халқининг буюк адиби Рабиндранат Тагорнинг «Инсонларнинг қалбини битта қилиб боғлашга кучи етадиган восита йўқдек кўринади-ю, лекин биласан бу вазифа адабиётнинг қўлидан келар экан. Адабиётнинг вазифаси — ҳаммани бирлаштириб, ҳамжиҳат қилишдир».

Миллат қўшиғи бўлган Мадҳиямиз орқали бу ҳақиқат яна бир бора ўз исботини топди. Ишончимиз комилки, ҳар бир Ўзбекистонлик учун азиз ва муқаддас бўлган, истиқлолимиз истикболи, юртимиз куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон-шухрати, бахтиёр авлодлар ёруғ келажакини шарафловчи Мадҳиямиз асарлар оша оламаро жаранглаб халқимиз руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, янги галабаларга орқайверади.

Шоира ҲАЙУПОВА, Тошкентдаги 64-мактаб ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ

КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Айни кунларда Фаргона вилоятининг сўлим Тошлоқ туманидаги "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини худудига йўлингиз тушса, бу ерда мустақиллик йилларида қад ростлаган чорвачилик мажмуига қўзингиз тушади. Туман аҳли мазкур "Баҳор" фермер хўжалигини жуда яхши билади ва унинг фаолиятдан мамнун. Бу ерда 7 йилдан буюн фермер Умарали Уринов самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1999 йили 12 бош қорамол билан ташкил этилган фермер хўжалигида бугунги кунда 80 бош қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 20 тасини соғин сиргилар ташкил этади. Хўжаликда бир кунда ўртача 300 литр сут соғиб олинишига эришилмоқда. Фермер хўжалигининг сут маҳсулотлари асосан ўзаро келишувга мувофиқ туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаб болалар боғчалари ва марказий шифохонага етказиб берилмоқда. Шунингдек, хўжалик тасарруфидида 6 гектардан ортиқ майдонда чорва учун озука экинлари етиштирилмоқда.

Суратда: сут соғувчи Жаннатхон Каримова. М. КОДИРОВ (ўзА) олган сурат.



Мустақилликдан сўнг ҳукуратимиз Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган эди. Шундан бери мана қарийб 15 йил ўтди. Тўғри, кўхна тарих олдига бу давр кўз очиб юмгунчалик бир фурсат ҳолос. Аммо шу кичка давр ичида юртимизда амалга оширилган ишлар, ислохотлар тарих саҳифаларига олтин харфлар билан ёзишга арзигуликдир.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТИБ

Юртбошимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармон жиноятга оид ҳуқуқий сўбат ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида энг муҳим ва ҳал қилувчи қадамлардан бири бўлди, десак хато қилмаймиз. Зеро, бу иш — суд-ҳуқуқ тизимининг янада либераллаштирилаётганлигининг, айниқса, тергов жараёнида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг Жиноят-процессуал кодексда кўрсатилган асосларга кўра, процессуал маж-

бурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ масалани ҳал этишда судларнинг ваколатлари кенгайтирилаётганлигини яққол исботидадир. Қамоққа олинганда ёки озодликдан маҳрум этилганда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари маълум даражада чеклаб қўйилади. Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги санкциянинг одил суд томонидан берилиши давлатимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳалқаро андозаларга оғишмай риоя этаётганлигидан далолат беради. Фармонда айтиб қўйилганидек, у 2008 йил 1

январдан бошлаб кучга киради. Судлар ўзларига берилаётган бу ваколатни бир маромда, шовша-шошарликсиз амалга оширишлари, бунда жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи бузилмаслиги ва бу ҳол жиноятларни очиш кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Фармон кучга киргач, гумон қилинувчи, адвокат, прокурор ва бошқа манфатдор шахслар иштирок этадиган очик суд мажлисида шахс эркинлигини чеклаш масаласи ошқора ҳал қилинади. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлайди.

Сайёра МАДИЯРОВА, Хамза туман прокурори ёрдамчиси

Таълим ислохотлари амалда

Истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок туб бурилишлар содир бўлди. "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши соҳадаги муҳим қадам эди. Айниқса, Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури тўғрисида"ги Фармони таълим тизimini тубдан ислох қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш билан бирга, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида таъ-

рихий воқеа бўлди. Чиндан ҳам мазкур Фармоннинг қабул қилиниши тизимда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга асос бўлди. Умумий дастур амалга оширила бошлаганига эндигина икки йил бўлишига қарамай, соҳада ижобий ўзгаришлар юз берди. Қанчадан қанча мактаб бинолари жаҳон андозалари даражасида таъмирланди, янги мактаблар қурилиб, ўқув қўлланмалари ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Энг муҳими, ўқитувчи меҳнати юксак кадрланди, рўзгорига барака кирди, касбига бўлган меҳр-муҳаббати, ишончи ортди.

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММILLIЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — ТАЪЛИМДА СИФАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТАРОВИ

Ана шу мавзуда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида матбуот кунлари бўлиб ўтди

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, тарғиб қилишни кучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан мунтазам равишда матбуот анжуманлари ўтказиб келинапти. Бундан бир неча ой илгари "Умумий дастур — келажак пойдевори" мавзусидаги матбуот анжумани Самарқандда ўтказилган бўлса, бу гал Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида бўлиб ўтди. Албатта, таълим ислохотларини амалга оширишдан кўзланган мақсад мактабларда таълим самарадорлигини юксалтириш, давлат таълим стандартларидан келиб чиқадиган талаблар ижросини таъминлашдир.



Халқ таълими вазирлиги берган маълумотларга қараганда, ўтган давр мобайнида дастурда белгиланган асосий йўналишлар бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. 2006 йилда республика бўйича 1329 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилиб, мактаб таълими жамғармаси томонидан жами 207,7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Жумладан, умумий дастурга киритилган Фарғона вилоятида 128 та, Наманган вилоятида 98 та, Андижон вилоятида 109 та мактаб капитал реконструкция ҳамда капитал таъмирдан чиқарилди. Янги мактаб бинолари қурилиб, ўқув йили бошланишига қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шундан ташқари, дастурнинг мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш йўналиши бўйича ҳам кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 62 та янги мактаб бинолари қурилади, мавжуд 389 таси капитал реконструкция қилиниб, 530 таси муқаммал таъмирланади. Уларни мебоеллар, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжуманлари ва компьютер синфларини махсус мебоеллар билан жиҳозлаш учун бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси томонидан режалаштирилган маблағлар доирасида Давлат бюржтмаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш тўғрисида"ги қарори асосида янги дарсликлар чоп этилди.

Ҳоҳидан бошланди. Шундоқ ёнма-ён жойлашган учта булоқнинг зилот сувида қониб-қониб ичдик. Диллар яради, кўнгилларда яхши ниятлар туғилди.

Уқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси республика бўйича 97,5 фоизни ташкил қилса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 92,4 фоиз, Наманган вилоятида 97,7 фоиз, Андижон вилоятида 91,8 фоизни ташкил этмоқда.

Зиёратдан мана шундай хуш кайфият билан чиққан журналистлар Андижон вилоятида ҳам бири-бирдан чиройли, қўркам бир неча таълим масканлари билан таништирилди. Олтинқўл туманидаги 28-умумтаълим мактабининг капитал реконструкция қилиниб, янги ўқув йилга шай қилиб қўйилиши нафақат ўқувчилар, балки маҳалла аҳли учун Истиқлолнинг 15 йиллигига чинакам совға бўлди. Шу ҳудудда яшовчи 78 ёшли Иномжон ҳожи ота билан суҳбатлашар эканмиз, отахоннинг беихтиёр кўзига ёш келди. Бу қувонч кўз ёшлари эди. Негаки, у фарзандларининг, набираларининг мана шундай биноларда ўқишидан, ишлашидан, мустақил юрда, тинч-осуда ҳаёт кечираётганидан мамнун эди. Ниҳоят отахон қўлларини дуога очиб, халқимизнинг энг катта бойлиги бўлган тинчликнинг барқарор, мустақиллигини абадий бўлишини тилади. Кейинги ташрифимиз Андижон туманидаги 39-умумтаълим мактабига бўлди. Бу ерда журналистларни вилоят ҳокими С.Бегалиев қутиб олди. Унинг иштирокида журналистлар мактабда амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиб чиқишди. Вилот ҳокими журналистлар билан очик мулоқот ўтказиб, барча соҳада олиб берилган ишлар юзасидан маълумот берди. Вилотда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан 11 миллиард 700 миллион сўм маблағ айнан мактаб таълимини ривожлантириш учун ажратилган. Куннинг иккинчи ярмида, Андижон вилоят Халқ таълими жамғармасида уч кунлик саёхатимиз аяқига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев, Фарғона, Андижон, Наманган Халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ва Марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Анжуманда таълим тизимидagi ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб борилишининг нечоғлик муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунинг билан бу учта вилоятга қўлган сафаримиз ўз ниҳоясига етди.

Шундан сўнг саёхатимиз Наманган вилоятига кўчди. Тўрақўрғон, Мингбулок ҳамда Наманган туманларидаги капитал реконструкция қилинган, янги-янги барпо этилган ёки жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва Меҳрибонлик уйлари кўздан кечирав эканмиз, кенг ва шимам синфхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланганлигига, спорт комплексларининг ҳар жиҳатдан замон талабларига жавоб бера олишига амин бўлди. Тўрақўрғон туманидаги 3-мактаб ҳам шундай ўқув масканларидан. Бу ерда педагогларга методик амалий ёрдам бериш маркази ҳам ташкил этилган. Бу эса тумандаги барча мактаб ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Наманган туманида жорий йилда жами 7 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, жами 1 миллиард 574 миллион 336 минг сўм маблағ ажратилди.

МАРҒИЛОН ДЎППИСИН БОШГА ҚЎНДИРИБ....

Тошкент вокзалидан Марғилон йўналиши бўйлаб йўлга чиққан поезд ниҳоят манзилга етиб келди. Меҳмонлар ўша мафтункор Кумушбиби юрти Марғилон билан юзлашди. Карнай-сурнай садолари оламини тутган, гўзал Марғилон қизлари бекатда қўлида даста гул

Тумандаги 26-мактабда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашиб, вилоятда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Сафаримизнинг учинчи кунда Намангандан Андижон сари йўл олдик. Андижон саёхати ўзгача тусда, Баликўрғон тарихий Учбулок зиёрат-

Раимкул СУЯРОВ, «Ишонч» мухбири

БУХОРО ВИЛОЯТИ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидокорлик кўрсатаётган барча соҳа ходимларини улғу айём билан қутлайди. Тинчлик, фаровонлик ва ободлик йўлидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларимиз истиқболимизга, юртимиз шон-шухратининг юксалишига хизмат қилсин!



Истиқлол шарофати

Ўзимизнинг қўшиғимиз йўқда, дея кўп куйнарди раҳматлик Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Баҳодир Розиков. Воҳа наволарини жамлаш, тингловчи кулоғига шокиладек қўйиб қўйиш ишқи сўнги нафасига тарк этмади уни. Кўп, кўп ижод қилди. Халқ оғзаки термаларини йиғди. Дўриллак овозда хиргойи қилганини кўп эшитганмиз...

"Дилрабо"да кўшиқ куйлаган ўқувчи қизнинг тўнғичи бугун ўттиз ёшга тўлибди. Ажабтовор дунёда. Буви куйлаган кўшиқни набира яна оҳангга солаётти. Бу кўшиқнинг ҳеч адоғи йўқ... Эсимизда, катта йиғинда раҳбарлардан бири Баҳодир Розиковни қаттиқ изза қилди. Мактаб раҳбари, чўнтағида қизил билети бор одам бозорда анор сотармиш. Эшитган тошга галати туюларди бу гаплар. Устоз чўкур тин олиб, оғир хўрсиниб қўйди. Ўзини

ён бўлиб ўтган марҳум халқ шоири Тура Сулаймон издоши Хаёт Шодмон аталмиш дарё жўшаяпти. Унинг қирққларидан тошган ижоди "Қалдирғоч"га қанот бўлса, не ажаб. Юртимиз фольклорчилари назарига қўнма Сирдарё халқлари кўшиқлари, ўланлари, айтишувлари тушганига шубҳа йўқ. Советлик бир онахон тилидан ёзиб олинган ёр-ёрлар фольклорчи аёллар ижросида таҳсинга эришди. Бугун бу юртининг ҳам ўзи сўзи, найларининг навоси бор.

шарофати эмасми? Умрим шу соҳада ўтапти. Тадбирларда бадий жамоа тополмай қийналардик. Яширишдан не маъно. Ҳали у туманга, хали бу туманга зир югуриб хофиз ахтарган чоғларимиз кўп бўлган. Бошқасини қўя турайлик, яқинда халқ дастаси мақомига эга бўлган "Моранбон" дастаси фаолиятига бир кур назар ташлашнинг ўзи кифоя.

Дарҳақиқат, "Моранбон" корейс халқ дастаси энг кенжа жамоа. Дастага Ен Су Хан бадий раҳбарлик қилади. Улар ижросидаги корейсча, ўзбекча, русча, арабча кўйи-қўйи, рақслар элига манзур бўлаётти. Чет элларда ўз муҳлисларига эга. Корей давлатида ҳар йили ўтказиладиган "Ап-

СИРДАРЁНИНГ ЎЗ ЎЛАНУ АЛЁРЛАРИ БОР

оқламади ҳам, изох ҳам бермади ўшанда. Бир учрашувда шу гапни қўзғадик. Устоз ҳалиям бу одатини ташлай олмаганини айтиб қолди. Сўнгра жиддий тортиб, анорфурушлигига аниқлик киритди. Ҳар йилги томорка даромадини мактаб қошида ташкил этган ансамблга сарфларкан. "Дилрабо"ни жўштиравган "Анор гуллари" деди ҳазиломуз. Қатъиятли одам эди. Халқ оғзаки ижоди йўлида қалам тебратиб, куй басталатишдан эринмасди. Истиқлол шарофатидан Баҳодир аканинг ижоди ҳам, ансамбл парвози ҳам юксакларга кўтарилди. У раҳбарлик қилаётган Р. Мухаммедов номли 21-мактаб ЮНЕСКО таркибига кирувчи таълим даргоҳларидан бирига айланди. Ансамбл ҳам халқ дастаси унвони берилди.

Мумтоз санъат ҳақида сўз борар экан хоҳисор бир инсонни эслатмасликнинг сира иложи йўқ. Раҳмонқул Саматов ҳаётининг мазмуни мақом бўлди. У Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Ҳасанов билан ўнлаб йиллар ҳамкорлик қилиб, Мирзаободда "Мақомчилар" халқ дастаси тузилишига эришди. Механизатор, сувчи-ю, чолиқчиға "Шашмақом"дан сабоқ берди. Пири комилларни ёдига солди. Республика мақомчилар кўрик-танловларида кўп бора голиб бўлди. Бугунги кунда хушнафас хофиз Обиджон Ҳамидов раҳбарлигидаги даста ижоди гуркираяпти. Тан олиш керак, воҳа маданияти, санъатини юксалтиришда Раҳмонқул аканинг хизматлари оз эмас. У "Ўзбекрақ"нинг вилоят бўлими раҳбари сифатида ҳам самарали ижод қилди.

рельё бозори" халқаро фольклор фестивалида иштирок этишяпти. Ўтган йили ана шу танловда қатнашган жамоа 6 та олтин, 3 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритди. Ўз теграсига 17-60 ёшлик меҳнатқашларни жамлаган "Сайхун йигитлари" фольклор халқ дастаси ижросида қўнма Мирзаҷўл ёвқурлари мадҳ этилади. ЮНЕСКО томонидан ўтказиб келинаётган "Бойсун бахори" фестивали соврини бегона бўлмади қолди ҳисоб. Санъатдаги ютуқ "Зилола", "Ёшлик", "Дўстлик", "Нихол" дасталарига ҳам ҳосидир. Эътибор ва рағбат соҳа истиқболига хизмат қилаяпти. Кейинги йилларда барпо этилган "Анор" ёзги томошагоҳи, Амфитеатр санъатқору, шинавандалар ўртасида мустаҳкам кўприк бўлаяпти. Дам олиш кунларида бу ерда ҳаёт қайнаши одатий ҳолга айланган. Наволару садолар сасидан кўнгуллар ҳузур қилади.

Кўп йиллар танҳоликда бўлган "Дилрабо" сафдошлари сони ҳозир оз эмас. Баҳодир Розиков сингарии фидойилар савъ-харақати билан халқ дасталари 9 тага етди. Энг кенжаси "Моранбон" корейс халқ дастаси саналади. Кунчиқар юрт оҳанглари кўпчиликка манзур бўлаётганини эътироф этиш даркор. "Қалдирғоч"нинг парвозини тан олмаган йўқ ҳисоби. Қўнма оҳанглар макони бойсунликлар ҳам буни тасдиқлайди. Сирдарёда ўзи бир

Сир бўйининг шўх, жанрангдор оҳанглари борлики тутапти. Бу наволарда юрт меҳри, Ватан ишқи муҳассам. Кўнгулларга сурур, гурур бағишловчи наволаринг тинмасин, юртим.

Н. ШАМСИЕВ, "Ишонч" муҳбири

СПАРТАКИАДАДА БАРЧА ҒОЛИБ

Яхши дам — меҳнатда ҳамдам, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлган инсонларнинг яхши ҳордиқ чиқариши иш жараёнида кўп нарсани ҳал этади. Шу боис бўлса керак тармоғимиз томонидан спартакиадалар ҳар бир бошланғич ташкилотда зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Яқинда "Олмалик тоғ-металлургия комбинати" ОАЖ спорт мажмуасида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган анъанавий VI спартакиадасининг финал мусобақалари ўтказилди.



Спартакиаданинг тантанавий очилишида қатнашчиларни "Ўзметмашсаноат" қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Ш.Одилов қизгин муборакбод этиб, уларга яхши кайфият ва муваффақиятлар тилади. Комбинатнинг "Металлург" маданият саройи ва тазқвандо спорт секцияси қатнашчилари ўзларининг концерт ва спорт чиқишлари билан йилгиланларга аъло кайфият бахш этилди. Меҳнатқашлар ўртасида спортни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш спартакиаданинг асосий мақсадларидан биридир. Спорт инсонни на-



Тадбир

фақат жисмоний чиниқтирибгина қолмай, уларни фойдали жараёнга жалб қила олади. Спорт билан шуғулланган меҳнатқашнинг фарзанди ҳам спортга ошно бўлади ҳамда маънан ва жисмонан соғлом бўлиб етишади.

Айтиш мумкинки, финал мусобақалари ҳар қачонгидан қизгин ўтди. Мини футбол бўйича "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖ жамоаси биринчиликти қўлга киритди. "Олмалик ТМК" ОАЖ жамоаси иккинчи ва "Ўзметкомбинат" АИЧБ жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида "Олмалик ТМК" ОАЖ спортчилари мутлақ голиб деб топилдилар. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳар қасаба уюшма кўмиталари раислари кенгаши жамоаси вакиллари ва учинчи ўрин "Ўзметкомбинат" АИЧБ жамоаси вакилларига насиб этди. Голиб жамоалар, шахсий биринчиликларни қўлга киритган ишчи-спортчиларга Марказий Кенгашнинг мукофотлари, дипломлари ва қимматбахо совғалари топширилди.

Спортнинг шахмат, шашка, сузиш, стол тенниси ва катта теннис турларига эса голиблар шахсий биринчиликда аниқланди.

М.ЭШОНХЎЖАЕВА, "Ўзметмашсаноат" қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши бўлим мудир

Хабарлар

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ КЕТМОҚДА

"Каттакўрғонпахта" ҳиссадорлик жамиятига қарашли профилакторий яна халққа хизмат қилади. Ушбу шифо маскани шаҳар ижтимоий таъминот бўлими тасарруфига ўтказилди.

Бу ерда ҳозир таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этаёпти. Иил охиригача сийхатгоҳ тўла жиҳозланади, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланади. Бу ерда биринчи галда уруш ва меҳнат фахрийларига, ижтимоий химояга муҳтож фуқароларга хизмат кўрсатилади.

М.ЭРТАШЕВ

ТАРИХ КЎЗГУСИ

Буюк Ипак йўлида жойлашган Каттакўрғон шахри ўзига хос тарихга эга. Бунга оид барча маълумотлар шаҳар тарих-ўлкашунислик музейида жамланган. Булар халқимиз, юртимиз тарихининг бир парчасидир.

Ҳозир музейда "Ўлка тарихи", "Миллий хунармандчилик" ва бошқа бўлимлар доимий фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бу ерда каттакўрғонлик машур кишилар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш мумкин. Шу кунларда музейда Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб кўргазмалар, тадбирлар ташкил этилмоқда.

Н. САНАЕВА

Муносабат

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида истиқболли ислохотлар амалга оширилди. Президентимизнинг "Республикамиз аҳолисини ахборот-қутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори тизимда изчил ислохот олиб боришни кучайтиришга замин яратди. Қарорда қутубхоналар базасини яхшилаш, ахборот-технологиялар билан таъминлаш, уларнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар ўрин эгаллаган. Биз ўшбу масала атрофида кенгрок мушоҳада юритиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров билан суҳбатда бўлдик.

— Абдусалом ака, авваламбор маъзур қарорнинг ижроси ҳақида тўхталсангиз.

— Президентимизнинг шу йил 20 июнда чиқарган ушбу қарори республикамизда қутубхоначилик соҳасида ислохот ўтказишга асос бўлди. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, шу кунга қадар аксарият қутубхоналар замонавий техника ва технологиядан узоқ

ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАТИ МУҲИМ ҚАДАМ

ланган бундай мажмуалар турли хил соҳага оид китоблар, мутахассислар учун ўқув адабиётлари билан бойитилиб, соҳаларга тегишли бўлган хабар, янгилик ва илмий тадқиқотларни жамлайди. Бундан ташқари, улар ҳам ўзимиздаги ҳамда хорижда ишлаб чиқилган электрон дарсликларни олиш имкониятига эга бўлади. Ахборот олишнинг қўламини кенгайтири. Натижада кишиларнинг ахборотга бўлган

эҳтиёжи қондирилади. Бу эса аҳолининг ахборотни қабул қилиш ва мушоҳада қилишида интеллектуал бойлигини оширади. Яъни кишиларда ахборот билан ишлашда салоҳият юзага қолади. Жамиятимиз учун юксак маданиятли, иқтидорли авлодни тарбиялаб етиштириш бизнинг бурчимиздир.

— Кейинги пайтларда маъзур соҳада автоматлаштирилган қутубхона тизими пайдо бўлди. Бунинг қандай қулайликлари ва имкониятлари маъзур?

— Маъзур тизимнинг қулайлик ва имкониятлари шундан иборатки, бунда ҳар бир адабиёт ўз каталоги бўйича серверларга ва махсус дискетларга жойланади. Китоб, яъни манбани излаб топилшдан фойдаланишга қараганда жараён компьютер орқали бажарилади. Электрон дарслик тизимининг меъёрий талаб ва стандартлари бор. Матини компьютер хотирасига жойлаштириш электрон дарслик яратилди деган гап эмас. Аслида электрон дарсликда ўқувчиға кераклик манба ёки маъзунни излаб топадиган дастурлар бўлиши зарур. Яъни ўқувчи бирор сўз, атамани тегиб қидирувга берса, унга ўша китобнинг керакли саҳифасини очиб бериши лозим. Оқддий қилиб айтганда, қидирув тизимига эга бўлиши керак. Ўшанда фойдаланувчи вақтдан ютади. Бунда ўз-ўзидан ишчи кучи ҳам тежалади. Бизнинг қутубхонамизда ва Республика Фанлар Академиясида ана шундай дарслик намуналари бор.

— Автоматлаштирилган қутубхона тизими маълум йиллар ўтиб эски тизимни сиқиб чиқара оладими?

— Йўқ, менимча, икки тизим ўртасидаги жараён уйғун ҳолатда давом этади. Масалан, китобнинг кашф қилинганига неча минг йиллар бўлган, Авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Уни оқддий дискка кўчириб сақлаганимиз билан қадимги усул йўқолиб кетмайди. Янги тизим эса, кишиларнинг қутубхонадан фойдаланишида қулайликлар яратиш учун хизмат қилади. Вақт, имконият, масофанинг тежалишида ёрдам беради ҳолос.

— Бундан кейин ахборот ресурс марказлари турларига кўра китоб фондлари, электрон ахборот воситалари билан бир-бирдан фарқланади. Масалан, мактаблар қошидаги ахборот-ресурс марказлари дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар билан тўлдирлиб борилса, катталар учун мўлжал-

Анвар СУЮНОВ суҳбатлашди

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

Барчангизни Республикамиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаётингизда оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилаган ҳолда байрам муносабати билан Сиз азизларга янги «ТАШАББУС» омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, йиллик 22 фоиз даромад тулаш шарти билан камида 20 000 сўм миқдориди Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ДИҚҚАТ!!!

Сиз омонат очилган куннинг ўзида маблағларингизга ҳисобланган фоиз даромадини фойдаланган коммунал тўловлари учун ўтказиб бериш имкониятига эга бўласиз.

Халқ банки томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланинг.

Ishonch

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверов ("Доверие" газетаси бош муҳаррир ўринбосари), Мамура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носиржон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қадиров, Соғиндик Ниятуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамос Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фулмозор Юсупов

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибят 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 7556

E-mail: ishonch_doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиков
Навбатчи - О.Эргашев
Муассасих - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г— 1014